

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
АРХИТЕКТУРА ФАКУЛЬТЕТИ



“Архитектура тарихи ва назарияси” кафедраси 5340100 – “Архитектура”
таълим йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун

ҚОДИРОВ ҲОЖИАКБАР АБДУЛЛАЕВИЧнинг

ТУШУНТИРИШ ХАТИ

**“БУХОРО ШАҲРИ РЕГИСТОН МАЙДОНИНИНГ ГРАФИК
РЕКОНСТРУКЦИЯ ТАКЛИФИ”**

мавзусидаги битирув малакавий иши

Дипломант: Ҳ.А. Қодиров

Рахбар : арх.ф.н. Т.Ш.Маматмусаев

Тошкент 2018

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

“Архитектура тарихи ва назарияси” кафедраси

Бакалавриат: 5340100 – Архитектура

ТАСДИҚЛАЙМАН

АТН кафедра мудири

Матчонов Б.Г. _____

“ _____ ” _____ 20__ йил

Диплом ишини бажариш учун

ТОПШИРИҚ

Битирувчи: _____

Гуруҳ: _____

1. Диплом иши мавзуси: _____

ТАҚИ ректорининг _____ сон “ _____ ” _____ 20__ йил буйруғи билан тасдиқланган.

2. Диплом ишини ҳимоя санаси: “ _____ ” _____ 20__ йил

3. Таянч манбалар (битирув олди амалиётида тўпланган материаллар кўрсатилади): _____

4. Диплом иши матн қисмининг асосий бўлимлари:

- Тархий, архитектуравий бўлим. _____
- Конструктив бўлим. _____
- Иқтисодий бўлим. _____

5. График материаллар таркиби (мажбурий чизмалар ва масштаблар кўрсатилади): _____

Эслатма: 1. Ишнинг график қисми 1x1 ўлчамли 4 планшетдан ёки 8 стандарт ватманда бажарилади.

6. Диплом иши бўйича маслаҳатчилар (консультантлар):

- Тарихий, архитектуравий бўлим. _____
- Конструктив бўлим. _____
- Иқтисодий бўлим. _____

7. Диплом ишини бажариш жадвали:

№	Ишнинг қисмлари	Муддати	
		бошланиши	тугатилиши
1	График қисми		
2	Бўлимлар: а) тарихий архитектуравий бўлим		
	б) конструктив бўлим		
	с) иқтисодий бўлим		
3	Ишнинг бажарилиши бўйича назорат саналари	Ҳар ҳафтада	
4	Дастлабки ҳимоя		

****Бўлимларнинг бажарилиш муддатлари маслаҳатчилар (консультантлар) томонидан белгиланади.**

Диплом иши раҳбари: _____
(насаби, фамилия, исми, шарфи) _____ ИМЗО

Топшириқни олдим: “_____” _____ 2018 йил

Битирувчи: _____
(насаби, фамилия, исми, шарфи) _____ ИМЗО

МУНДАРИЖА:

Кириш	5
I. Архитектура бўлими	10
1. Бухоро шаҳрининг тарихий қисмида амалга оширилиши режалаштирилаётган ишлар тўғрисида маълумот.....	11
1.1. Бухоро шаҳри тарихига қисқача назар.....	18
1.2. Бухоро архитектураси.....	19
2. Сўнгги ўрта асрларда Бухоро архитектураси	23
2.1. 16-17-асрларда Бухоро меъморчилиги	23
2.2. Регистон майдонининг мавжуд бинолар билан ҳамоҳанглиги.....	24
3. Регистон майдони	25
3.1. Бухоро арки	26
3.2. Регистон майдонини график қайта тиклаш бўйича таклифлар	28
Бўлим бўйича хулоса	34
II. Конструкция бўлими	35
Бухоро Регистони таркибидаги бинолар ва ташқи деворлар конструкцияси.....	36
Бўлим бўйича хулоса	39
III. Қурилиш иқтисодиёти бўлими	41
Қурилиш объекти баҳосини жорий нархларда аниқлаш	42
Умумий хулосалар.....	46
Айрим терминлар луғати.....	47
Фойдаланилган адабиётлар	49
Иловалар	50

КИРИШ

*“Бизнинг куч-қудратимизни билмоқчи бўлсанг,
биз қурган иморатларга боқ”.*

Амир Темура

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач миллий кадриятларимиз, ота-боболаримиздан қолган урф-одатларимизга, қадимги анъаналаримизни қайта тиклашга бўлган эътибор анча ошди, жумладан, тарихий жойлар, обидалар, муқаддас қадамжоларга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Дарҳақиқат, ҳозирги кунда жамиятимизда буюк бобокалонларимиздан мерос бўлиб қолган ёдгорликларнинг инсон ҳаётидаги тутган ўрни, қолаверса шаҳарсозликдаги аҳамияти бекиёсдир.

“Мустақилликга эришганимиздан кейин халқимизнинг ўз юрти, тили, маданияти, кадриятлари тарихини билишга, ўзлигини англашга қизиқиши ортиб бормоқда. Бу – табиий ҳол. Одамзод борки, авлод-аждоди кимлигини, насл - насабини, ўзи туғилиб вояга етган қишлоқ, шаҳар, хулласки, Ватанининг тарихини билишни истайди...”

Ҳозир Ўзбекистон деб аталувчи ҳудуд, яъни бизнинг Ватанимиз нафақат Шарқ, балки, умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини бутун жаҳон тан олмақда. Бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу фузалолар, олиму уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган. Эрамизгача ва ундан кейин қурилган мураккаб сув иншоотлари, шу кунгача кўрку файзини, маҳобатини йўқотмаган осори атиқаларимиз қадим-қадимдан юртимизда деҳқончилик, ҳунармандлик маданияти, меъморчилик ва шаҳарсозлик санъати юксак бўлганидан далолат беради. Бешафқат давр синовларидан омон қолган, энг қадимги тошёзувлар, битиклардан тортиб, бугун кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган 20 мингдан ортиқ қўлёзма, уларда

муҳассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, физика, кимё, астрономия, меъморчилик, деҳқончиликга оид ўн минглаб асарлар бизнинг беқиёс маънавий бойлигимиз, ифтихоримиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда кам топилади. Шунинг учун ҳам бу борада жаҳоннинг саноқли мамлакатларигина биз билан беллаша олиши мумкин, деб дадил айта оламан” – деган эди Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов.

Юртимиз мустақиллиги аجدодларимиздан қолган маънавий меросларни, тарихий ёдгорликларни қайта тиклаш ва таъмирлаш, муқаддас обидаларни фойдали масканларга айлантириш учун шарт-шароит яратди. Тарихий, маданий ва маънавий меросимизни ўрганиш, авайлаб-асраш келгуси авлодларга етказишнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Мамлакатимиз ҳудудидаги дунё цивилизациясида катта ўрин тутган, асрлар давомида таркиб топган тарихий шаҳарларни, минглаб меъморий ва тарихий ёдгорликларни, жумладан икки мингдан ортиқ меъморчилик обидаларини, уч мингдан ортиқ археологик обидаларни, мингга яқин монументал санъат ёдгорликларини ўрганиш, ҳисобга олиш, авайлаб асраш, уларга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, келажак авлодларга етказишга йўналтирилган чора-тадбирлар белгиланди ва бу соҳада анчайин самарали ишлар олиб борилди.

Юртимизда маданият, маърифат, илм-фан соҳасида ўчмас из қолдирган халқимиз вакиллари, шунингдек халқимизнинг узок ўтмишидан, маданиятидан, илм, фан, маърифат, бунёдкорлик ва бошқа соҳаларда эришган ютуқларидан далолат берувчи Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик, Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларининг 2700 йиллик, Хива, Бухоро ва Термиз шаҳарларининг 2500 йиллик, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик, Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик юбилейлари кенг нишонланди.

Буюк аждодларимизга бўлган эҳтиром, тарихий шаҳарларимизга бўлган эътибор натижасида мустабид тузум даврида ярим хароба аҳволга келиб қолган Бухородаги X–XII аср ёдгорликлари - Сомонийлар мақбараси, Калон масжиди, Мир Араб мадрасаси, Арк девори, Самарқанддаги XIV–XV аср ёдгорликлари - Амир Темура мақбараси, Регистон ансамбли, Амир Темура жоме масжиди, Шаҳрисабздаги XIV–XV асрлар ёдгорликлари - Оксарой арки, Дор ус-сиёдат мажмуаси, Хивадаги XIV–XVII асрлар ёдгорликлари - Пахлавон Маҳмуд мақбараси, Тош ҳовли, Кўкондаги Худоёрхон ўрдаси, Қаршидаги Кўк гумбаз мажмуаси, Одина масжиди, Бекмир, Абдулазизхон, Қиличбой мадрасалари, Ўрта аср кўприги ва бошқа обидалар тубдан таъмирланиб, келажак авлодлар учун сақлаб қолинди. Шунингдек, юртимизда илм-фан, маданият, маърифат, фикр, бунёдкорлик ва давлатчилик ишларига муносиб ҳиссалари бўлган аллома аждодларимизнинг ўчмас хотирасига ва уларнинг асарларига ҳурмат кўрсатилиб, Самарқандда Имом ал-Бухорий, Имом ал-Мотуридий, Фарғона ва Қувада Аҳмад ал-Фарғоний, Марғилонда Бурҳониддин ал-Марғилоний мақбараси, Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабзда соҳибқирон Амир Темура, Тошкентда Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Урганчда Жалолиддин Мангуберди, Термизда Алпомиш, Андижонда Бобурнинг муаззам ҳайкаллари қад ростлади.

2007 йилда пойтахтимиздаги мухташам ва дурдона маданий меросни ўзида жамлаган Ҳазрати Имом меъморий ёдгорлик мажмуаси қайта тикланди. Мажмуа таркибидаги Қафқол Шоший мақбараси, Бароқхон ва Мўйи муборак мадрасалари, Тиллашайх ва Намозгоҳ масжидлари каби тарихий обидалар қайтадан чирой очиб, нафақат халқимизнинг, балки чет эллик сайёҳларнинг ҳам севимли қадамжоларига, зиёратгоҳ масканга айланди.

Мустақилликнинг яна бир неъматини – бу тарихий ҳақиқат қайта тикланганидир. Ўзбекистон ўзининг бениҳоя бой маданий ва тарихий мероси билан бутун дунёга танилди. БМТ нинг Таълим, фан ва маданият масалалари

бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) ҳузуридаги Умумжаҳон мероси қўмитаси қарори билан 1991 йилда Хивадаги «Ичан қалъа», 1993 йилда Бухоронинг тарихий марказидаги маданият ва тарих ёдгорликлари, 2000 йилда Шаҳрисабзнинг тарихий марказларидаги ёдгорликлар, 2001 йилда Самарқанд ёдгорликлари «Бутунжаҳон маданий мерослари рўйхати» га киритилди. Жумладан, бугунги кунга келиб мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлган тўрт мингдан зиёд моддий-маънавий ёдгорликларимиз умумжаҳон меъросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилган. Бу борадаги эзгу ишлар изчиллик ва узвийлик тусини олган. Жумладан, Тошкент шаҳридаги Минг Ўрик шаҳристони археологик ёдгорлиги, Кўкалдош мадрасаси, Азлархон Эшон масжиди, Аҳмадбой масжиди, Юнусхон мақбараси, Шайхонтоҳур мақбараси, Тошкент қалъа девори, Жиззах вилоятидаги Саид ибн Ваққос масжиди, Қашқадарё вилояти Касби туманидаги Султон Мир Ҳайдар мажмуаси, Самарқанд шаҳридаги Шердор мадрасаси, Чорсу мажмуаси, Амир Темур мақбараси, Ишратхона обидаси, Навоий вилоятидаги Чашмаю Аюб мажмуаси, Хоразм вилояти Ичан қалъа девори, Сайид Моҳи Рўйи Жаҳонда мажмуаси, Қибла тоза боғ саройи каби шунга ўхшаш кўплаб тарихий-маданий мажмуаларда таъмирлаш ва қайта тиклаш ишлари амалга оширилди.

Серқуёш, сержило диёримизнинг қай бир гўшасига борманг, улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш, маънавий-маърифий ишларининг гувоҳи бўласиз. Айни кунларда мамлакатимиз катта қурилиш ва ободонлаштириш майдонига айланган. Маданий меросларимизнинг тикланиши эса шаҳар ва қишлоқларимиз чиройига янада чирой, кўркига кўрк бағишлаб турибди. Бундай шиддатли тараққиётни кўриб, буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг *“Бизнинг куч-қудратимизни билмоқчи бўлсанг, биз қурган иморатларга боқ”*, деган сўзлари яна бир бор ҳаёлимиздан ўтади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон ҳудудида минглаб тарихий обидалар мавжуд бўлиб,

уларни кўриш, зиёрат қилиш учун йилига юз минглаб сайёҳлар келиб кетишмоқда.

Хукуматимиз томонидан ўз вақтида қабул қилинган қарор ва фармонлар ҳам бу борадаги ишларимизнинг нечоғли долзарблигини кўрсатиб беради. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августдаги “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш”га оид 269-П-сонли Қонуни; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 29 июлдаги “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни кучайтириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 269-сонли Фармони; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 12 мартдаги “Тошкентнинг эски шаҳар қисмини 2020 йилгача шаҳарсозлик тизимини тубдан ривожлантириш ва ободонлаштириш”га оид Р-3806-сонли Фармони шулар жумласидандир.

Хулоса қилиб айтганда мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини янада кўтариш учун туризм йўналишларини яхшилаш, тарихий шаҳарлар ва ёдгорликларни келажак авлод учун етказиш каби ишлар бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир.



АРХИТЕКТУРА БЎЛИМИ

Битирувчи: Х.А.Қодиров

Раҳбар: арх.ф.н. Т.Ш. Маматмусаев

1. Бухоро шаҳрининг Тарихий қисмида амалга оширилиши режалаштирилаётган ишлар тўғрисида маълумот

Бутун дунёга маълум бўлган маданий ва цивилизацион аҳамияти, тарихий қийматининг тўғридан-тўғри тасдиғи ЮНЕСКОни Бутунжаҳон мероси шаҳарлари рўйхатига Бухоро шаҳрининг тарихий марказини 1993 йилда киритилгани бўлди.

Бухоро шаҳарнинг эски шаҳар қисми 216 гектар, муҳофаза зонаси 339 гектарни ташкил этади.

Бухоро шаҳрининг тарихий қисмида 5000 га яқин аҳоли турар жойлари ва бошқа турдаги бино-иншоотлар мавжуд, шундан жами 245 та маданий мерос объекти бўлиб, улардан 34 таси мадрасалар, 49 таси масжидлар, 9 таси мақбаралар, 15 таси карвон саройлар, 101 таси қадимий уй-жойлар, 37 таси бошқа турдаги ёдгорликлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 10-11 март кунлари Бухоро вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлар ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган мажлис баёнининг ижросини таъминлаш бўйича вилоятда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан;

Бухоро шаҳрининг эски шаҳар ҳудудини комплекс ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди.

Мазкур концепция билан Бухоро шаҳрининг эски шаҳар қисмини асл тарихий ҳолатини тиклаш, ундаги маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва уни очик музей шаҳарга айлантириш.

Ҳудудда яшовчи аҳоли уй-жойларини тарихий қиёфасини эски шаҳар кўчаларига мос равишда уйғунлаштириш.

Бухоронинг тарихий қисмида (“Шаҳристон” бозори ҳудудида) миллий меъморий анъаналардаги стилистик ва безак услубларини қўллаган ҳамда тарихий кўринишини сақлаб қолган ҳолда анъанавий ҳунармандчилик

устахоналари, эсдалик совғалари, зардўзлик ва китоб маҳсулотлари, мева ва сабзавотлар, ширинлик ва сайёҳлар орасида оммабоп бошқа маҳсулотлар сотиладиган дўконлари ва савдо расталари ҳунармандлар шаҳарчаси ва усти ёпиқ бозор қуриш.

Шунингдек, хорижий сайёҳларнинг бўш вақтларини туну-кун мазмунли ташкил этиш учун шароитлар яратувчи замонавий меҳмонхоналар, маданий-ҳордиқ ва кўнгилочар-савдо масканларининг қурилишини кўзда тутувчи “Қадимий Бухоро”туризм зонасини Бухоро шаҳрида барпо этишдан иборат.

Маданий мерос объектлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги архитектура-шаҳарсозлик кенгаши Бутунжаҳон маданий ва табиий меросини ҳимоя қилиш Конвенцияси (1972 йил, Париж ш.) меъёрларига ҳамда ЮНЕСКО Бутунжаҳон мероси марказининг тавсияларига мувофиқ, Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган объектларнинг беқиёс қийматини ҳисобга олган ҳолда Бухоро шаҳрининг тарихий маркази ва қўриқланма ҳудудида қурилиш, таъмирлаш-тиклаш ва бошқа ишларни олиб боришда уларнинг меъморчилигига энг кам таъсир қилиш бўйича зарур чоралар қўрилишига алоҳида эътибор қаратиш.

Бухоро шаҳрининг тарихий қисмини лойиҳалаштириш ва моддий маданий мерос объектларини реставрация қилиш бўйича узоқ муддатли концепцияни ишлаб чиқишда қатнашиш учун ЮНЕСКО ва бошқа тегишли донорлик ташкилотлар кўмагида Европа мамлакатларидан етакчи эксперт-маслаҳатчиларни жалб этиш.

Туризм инфратузилмаси. 2017-2021 йилларда “Қадимий Бухоро” туристик зонасини ва унинг ҳудудида замонавий пастқаватли меҳмонхоналар, савдо-кўнгилочар марказлар, 500 ўринли амфитеатр барпо этиш, шаҳарнинг тарихий қисмида ёпиқ бозор ва ҳунармандлар маҳалласини ташкил этиш, ҳамда мажмуалар ҳудудларини ободонлаштиришни кўзда тутувчи туризм инфратузилмаси ва 9 млрд сўмлик лойиҳалар (бундан, 5 млрд

сўм тижорат банклари кредитлари, 4 млрд сўм тадбиркорлар ва ташаббускорлар маблағлари) янги меҳмонхоналарни куриш.



1-расм. Бош тарҳ. Бухоро арки ва Регистон майдони

Жумладан, 2017 йилда 1 та меҳмонхона, 2018 йилда 4 та меҳмонхона, шулардан 2 таси 4 юлдузли.

Бундан ташқари, 2018 йилда расмий меҳмонларни кутиб олиш ва йиғилишларни ташкил этиш учун лойиҳа асосида расмий қабуллар уйини ташкил этиш.

Хорижий туристларга қулайликлар яратиш мақсадида 2019 йилга қадар ҳудудда 4 та санитар-гигиеник боғламаларини куриш.

2017 йилда 100 кишига мўлжалланган миллий руҳдаги ресторан ва 600 млн. сўм миқдорида енгил конструкцияли экологик кафени куриш, 2018 йилда 300 кишига мўлжалланган замонавий ва миллий руҳдаги ресторанларни куриш, нурли ва мусиқали шоу-дастурлар ташкил этиш, Ўзбек миллий

мусиқасининг театрлаштирилган концерт намоишларини ўтказиш, маданий мерос объектлари ҳудудларида миллий урф-одатлар ва анъаналарни намоиш қилиш ҳисобига умумий овқатланиш тизимини такомиллаштириш ва туристларнинг тунги дам олишлари учун шароитлар яратиш.



2-расм. Бухоро арки кўриниши (ҳозирги ҳолат)



3-расм. Арк (Аштархонийлар даврида)

Бухоро шаҳрининг тарихий қисмида совға ва сувенирга ихтисослашган дўконлар тармоғи жойлаштирилган “савдо” кўчасини барпо этиш, туризм инфратузилма объектларида халқаро валюталарда савдо қиладиган банкомат ва терминаллар ўрнатиш, валюта айирбошлаш шохобчаларини, бутунжаҳон Интернет ахборот тармоғидан фойдаланишга кенг имконият яратилишини таъминлаб туристлар гавжум жойларда Wi-Fi ҳудудларини ташкил этиш.

“Ипак ва зираворлар”, “Қовун сайли”, “Шаҳар куни”, “Шарқ таомлари”, “Бухоро ҳунармандлари” фестивалларини ҳар йили ўтказиш, хорижий туризм ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари учун таништирув турларини уюштириш, ҳамда оммабоп хориж телеканалларида туризм салоҳиятини тарғиб қилиш, ҳудуднинг диққатга сазовор жойлари ва тарихига бағишланган мақолаларни бутунжаҳон Интернет ахборот тармоғи ва оммабоп (Wikipedia, Google ва Tripadvisor каби) ижтимоий тармоқларда жойлаштириш ҳисобига кенг қамровли реклама компанияларини ўтказиш ва Бухоро брендини тарғиб этиш.

“Қадимий Бухоро” туризм ҳудуди ва шаҳарнинг бошқа жойларида мунтазам турли шоулар, тарихий воқеаларни мослаштирган ҳолда театрлаштирилган намоишлар, фольклор жамоалари ва замонавий эстрада хонандаларининг чиқишлари, модалар намоиши ва бошқа кўнгилочар тадбирларнинг ташкил қилинишини таъминлаш.

Шарқ марвариди бўлган ноёб музей-шаҳар сифатидаги Бухоро шаҳрининг брендини ишлаб чиқиш, ҳамда оммабоп хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари фаол иштирокида “Муқаддас Бухоро – маърифий Ислом маркази” шиори остида кенг реклама компанияларини ўтказишни назарда тутган ҳолда Бухоро шаҳрига сайёҳлик оқимини ошириш бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш.

Маънавий, маърифий ва маданий ҳордиқ ҳамда спорт-соғломлаштириш бўйича туну-кун хизматларни ташкиллаштириш, информацион ва логистик марказ ташкил этиш, call-center ва эски шаҳар бўйича интернетдаги алоҳида

саҳифани юритиш, вело, мото, скутер ва электрокар транспортларининг ижрасини ташкил этиш, эски шаҳар бўйича алоҳида “ётказиб бериш” ва ободонлаштириш хизматни ташкил этиш.

Худуднинг туристик жозибадорлигини янада ошириш мақсадида 2019 йилга қадар янги туристик йўналишларни жорий этиш.

Дизайнерлик ва гуллар савдоси дўконларини маълум масофаларда жойлаштириш.

Бухоро тарихи ва шаҳарнинг машҳур шахслари музейини барпо этиш.

Турли мазмун ва бадиий, санъат шаклларидаги креатив объектлар ва иншоотлар, мусиқа асбобларнинг ҳайкалларини ўрнатиш.

Назорат видео-кузатув ва алоҳида қўриқлаш хизматини жорий этиш.

Жамоатчилик вакиллари ва туристларнинг фикрлари, таклифлари ва қизиқишлари тўғрисида маълумотларни ўрганиш мақсадида бизнес, ижодий гуруҳлар, диний ва давлат ташкилотлари ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари вакилларининг доира давраларини ўтказиш.

Аҳоли яшаш уй-жойлари. Бухоро вилояти ҳокимлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзсаноатқурилишбанк, Маданият вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, уч ой муддатда Бухоро шаҳрининг эски шаҳар қисмидаги аҳоли турар-жой биноларини тўлиқ хатловдан ўтказиб, тижорат банкининг узоқ муддатли (10 йилгача), имтиёзли кредит маблағлари асосида босқичма-босқич таъмирлаш ва янгилаш бўйича лойиҳа таклифларини ишлаб чиқиш.

Эски шаҳар худудидан аҳоли уйлари бирма-бир инвентаризациядан ўтказиш, улар орасидан тарихий аҳамиятга эгаларини алоҳида рўйхатга олиш ва уни давлат муҳофасига киритиш.

Маданият вазирлиги ва юртимиз тарихчилари билан биргаликда Бухоро шаҳрининг эски шаҳар қиёфасини миллийлик ва замонавийликни мужассам этган ҳолда аҳоли уй-жойлари қиёфасини тиклаш.

Мазкур концепция амалга оширилиши натижасида Бухоро шаҳрининг эски шаҳар қисмини асл тарихий ҳолатини тиклаш, ундаги маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва уни очик музей шаҳарга айлантирилади.

Шунингдек, хорижий сайёҳларнинг бўш вақтларини туну-кун мазмунли ташкил этиш учун шароитлар яратувчи маданий-ҳордик ва кўнгилочар-савдо масканларининг барпо этишдан иборат.

1.1. БУХОРО ШАҲРИ ТАРИХИГА ҚИСҚАЧА НАЗАР



4-расм. Арkning кўриниши (ҳозирги ҳолати)


Бухоро номи дастлаб IX асрда тарихчи Наршахий томонидан зикр этилган. Кўплаб тарихчилар, тилшуносларнинг фикрига кўра Бухоро сўзи санскритча “вихара” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “қалъа” деган маънони билдиради.

Кўплаб тарихчилар, тилшуносларнинг фикрига кўра Бухоро сўзи санскритча “вихара” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “қалъа” деган маънони билдиради.


Археологик қазилмалар натижасига асосан олимлар ушбу шаҳар эраизгача бўлган даврда ҳудуднинг иқтисодий ва маданий ҳаётида муҳим рол ўйнаган деган хулосага келдилар. Бухоро Хитойдан Римгача олиб борувчи Буюк Ипак йўлининг энг муҳим чорраҳаларидан бирида жойлашган.

VIII асрда бу эрда араб истилоси натижасида Ислом дини жорий этилган. Аста-секин Бухоро энг муҳим диний марказга айланган ва тобора кўпроқ “Бухорои Шариф” деб атала бошланган.


1.2. Бухоро архитектураси



5-расм. Бухоро. Тоқи Телпакфурушон. 1975 йил фотоси



6-расм. Шодимбий мақбараси



7-расм. Дор-уш-шифо мадрасаси тархи. 17-аср.



8-расм. Болаҳовуз масжиди минораси билан (ҳозирги ҳолат)

Ривожланиш даврида шаҳар бир неча бор (форслар, араблар, мўғуллар томонидан) вайрон қилинган ва тикланган. Бухоронинг ўзига хос иқтисодий ва маданий ривожланиши Сомонийлар ва Шайбонийлар бошқарган даврларга тўғри келади.

Ҳозирги Бухоро Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарлари сингари эски ва янги шаҳарга бўлинган. Шаҳарнинг янги қисмида маъмурий бинолар, мактаблар, институтлар ва саноат корхоналари жойлашган.

Сиз 2500 йиллик Бухоронинг тор кўчаларида кезишингиз ва кўк гумбазли ҳашаматли бинолар ҳамда кичик лойсувоқ уйлардан завқ олишингиз мумкин.

Х асрда қурилган Исмоил Сомоний мақбараси Бухородаги энг қадимий ва чиройли ёдгорликлардан биридир. У ҳозирги пайтда ҳам худди 1000 йил илгаригидек чиройли кўринишга эга. Сомонийлар асли форс бўлган биринчи тожик ҳукмдорларидир (эрамизнинг 875-999 йиллари). Улар пойтахти

Бухоро бўлган буюк давлатни барпо этишган. Ўша давр қурилиш, санъат турлари, математика, геометрия, физика сингари аниқ фанларнинг юксак даражада ривожланиши билан характерланади.

Арқ қалъаси юз йиллар давомида Бухоро ҳукмдорларининг расмий яшаш жойи бўлган. У баландлиги 16-20 метр бўлган сунъий тепаликда қурилган. Қалъа майдони қарийб 4 гектар. Одамлар кўпинча уни “шаҳар ичида шаҳар” деб аташган, чунки унда одатдаги шаҳарнинг ҳамма нарсалари: кўчалар, тор кўчалар, сарой, масжидлар, устахоналар бор бўлган.

Пои Калон меъморий мажмуи – барча меҳмонлар эътиборини жалб қиладиган жой. Мўғул давридан анча илгари барпо этилган Калон Минорасини деярли ҳамма жойдан кўриш мумкин. 16-асрда унинг ёнида Масжиди Калон ва рўпарасида – Мири араб мадрасаси қурилган.

Масжиди Калон – Самарқанд шаҳридаги Бибиҳоним масжидидан кейин Ўрта Осиёдаги иккинчи энг катта масжид. Мусулмон байрамида масжидга 10 минг киши сигиши мумкинлиги ўз исботини топган. Масжиднинг усти очиқ йирик ҳовлиси, унинг ажойиб пештоқлари ва усти ёпиқ айвонлари унутилмас таассурот қолдиради.

Масжиди Калон рўпарасида жойлашган Мири Араб мадрасаси пропорсияси ва симметрияси туфайли ўзидан кейин қурилган масжидлар учун ҳамиша намуна вазифасини ўтаган. Бўлгуси имомлар таълим олган Мири Араб мадрасаси кўп йиллар давомида собиқ шўролар иттифоқи даврида амал қилган ягона мадраса бўлган.

Бухоронинг маркази (16-17 асрлар). Лаби ҳовуз – Бухоро аҳли ва меҳмонларининг севимли жойи. Майдон ўртасида катта ҳовуз бўлиб, унинг атрофида турли бинолар барпо этилган: Кўкалдош мадрасаси, Нодир Девонбеги мадрасаси ва хонақоси.

Шаҳардан тахминан 4 км ташқарида Бухоро сўнгги амирларининг ёзги саройи жойлашган. Сарой “Ситораи Мохи хоса” – Ой ва юлдузлар ўртасидаги жой деб, шоирона номланган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, Юртбошимиз раҳнамолигида миллий қадриятларни тиклаш ва ривожлантириш, маданий меросни, айниқса тарихий-меморий обидаларни асраш, уларни келгуси наслларга етказиш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Масжиди Калон, Чорбакр, Арк қалъаси каби қатор асори атиқалар таъмирланиб, асл қиёфасига келтирилди.

2. СЎНГИ ЎРТА АСРЛАРДА БУХОРО АРХИТЕКТУРАСИ

2.1. 16-17-асрларда Бухоро меъморчилиги

Бухоро меъморчилиги XVII—XVIII асрларда (3-расм) анча ривожланди. XVII асрнинг биринчи ярмида Нодир Девонбеги мадрасаси ва хонақоҳ (Кукалдош мадрасаси ёнида), Мағоки кўрпа — Жума масжиди қурилди (1637). Бухоро монументал-безак санъатининг ютуғи — Абдул-азизхон мадрасаси бунёд этилди (1652). XVII асрнинг иккинчи ярмида Бухоронинг жануби-ғарбий қисмида Хиёбон (1654-1655) ва Жуйбори Калон (1670-1671) мадрасалари қурилди. Регистон (10-расм) қайта тикланди. Арк девори яқинида илгари қурилган **Пояндабий Оталиқ** масжиди (9-расм) (1617) ёнига «**Дор-уш-шифо**» (7-расм) (қасалхона) биноси (1682), майдоннинг ғарб томонида **Шодимбий** (6-расм) ва шимол томонида **Бухори Гусфанд** мадрасалари (1670-1671) вужудга келди. XVIII—XIX асрларда пайдо бўлган меъ-морчилик намуналари узгача тароватга эгадир: **Болаҳовуз** масжиди (8-расм) (1712, айвони 1714 йилда қурилган), Халифа Худойдод мажмуи (масжид, Мадраса, сардоба ва мазор, 1777—1855), Рахмонкулихон мадрасаси (1794—1795), Эрназар элчи мадрасаси (1794—1795), Турсун-жон мадрасаси (1796—1797), Халифа Ниёзқул мадрасаси (1807), Чор минов ва х.к. Бухоронинг меъморий ёдгорликлари ўзбек халқининг ноёб маданий мероси бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Чунончи асосий чорраҳаларда Тоқи Ордфӯрушон, Тоқи Заргарон, Тоқи Телпакфӯрушон (5-расм) ва Тоқи Тиргарон (14-расм) номли бешта Чорсу типдаги гумбазли савдо иншоотлари бунёд этилган. Бу савдо гумбазларининг биринчиси ва охиргиси бизнинг асримизда вайрона холига келганлиги туфайли бузиб ташланган. Колган учтаси ҳозирги кунда ҳам салобат тукиб, шаҳар асосий йуналишларини белгилаб турибди. Бу савдо гумбазлари бугунги кунда аҳолии орасида биринчи, иккинчи, учинчи гумбаз (баъзилар “кумпол” дейишади, бу русча “купол” сузининг бузилиб ишлатилишидир) ёки ток деб юритилади.



9-расм. Пояндабий масжиди


2.2. Регистон майдонининг мавжуд бинолар билан ҳамоҳанглиги



10-расм. Регистон майдони



11-расм. Пояндабий масжиди



12-расм. Регистон майдони қурилиши 16-17-аср (эскиз).

Шулардан учинчи гумбаз ёки Токи Заргарон (18-расм) деб номланадиган қадимий шаҳристон чоррахасида жойлашган бўлиб, XV аср бошида ҳам буж ой Чорсу деб номланганлиги маълум. Токи Заргарон деб аталишининг узи уз номи билан заргарлар гумбази эканлигидан далолат бериб турибди. Бу бинонинг тарҳи квадрат қурилишига эга. Унинг марказий композицион уклари буйлаб турт пешток турттала куча томонга қаратилган. Иншоотнинг марказий қисми саккизта узаро қесишган тоқлар воситасида купбурчакли устиворининг ун олти панжараси бор. Ички томонида эса тоқлар қесишувидан ҳосил бўлган гажжак (шитовидний парус) деворлар билан купбурчакни боғлаб турибди. Марказий гумбаз ичидаги бино бурчаклари туртта ва унинг атрофидаги усти қичкина гумбазчалар билан ёпилган йулак қисми эса саккизравокли қилиб қурилган. Йулак ташки деворининг ичкари томонида яна 16 та равок ишланган. Хар қайси пештокнинг икки ён қисмида (олд томонида) яна 2 тадан равоклар ишланган бўлиб, улар жами 36 та дукон ва устахоналар жойлашишига мувожазланган. Токи Заргарондан (18-расм) жанубгача чиқадиган пештоқи ёнида бизнинг асримизда бузиб ташланган

уша даврда Хинд карвонсаройи деб аталган карвонсарой булган. Ундан куйирокда эса 1577 йилда курилган савдо иншооти – Абдуллахон Тими жойлашган. Агар Токи ва Чорсуларда кечаси дукон ва устахоналар ёпилиб, кесиб утган кучалар утиш жойи сифатида фойдаланилган булса, Тим ёпик иморат тарзида ишлатилган ва шу жихати билан бугунги кундаги катта магазинларни эслатади. Абдуллахон Тими камёб ва кимматбахо газмоллар савдосига мулжаллаб курилган. Бу иморат тархи ҳам квадрат шаклида булиб, бинонинг бош кириш йуллари Токи Заргарондан Токи Телпакфурушонга бориладиган савдо кучаси каратилиб, кучанинг шаркий бетида курилган. Бино тарз (фасад)ининг марказида бир асосий ва икки чеккасида яна икки кичикрок пештокли эшиклар урнатилган. Иморат марказида саккиз бурчакли пастак устиворга ката асосий гумбаз урнатилган. Унинг шарк ва гарбида асосий йулак устига чузинчок шаклидаги туйникли гумбазчалар курилган. Шунингдек катта гумбазда ҳам ёриткич туйнуқлар мавжуд. Бино ичида жами 55 та савдо равоқлари жойлашган.

3. РЕГИСТОН МАЙДОНИ

3.1. Бухоро арки

Энг кўҳна маданий мерос объектларидан бири Арк қалъаси бўлиб, (13-расм) у қадимда Бухоро шаҳрининг маркази ҳисобланган. Бухоро арки милоднинг бошларида қурила бошланиб, XVI асрда Шайбонийлар сулоласи даврида ансамбл ҳолига келган.

Арк қалъасининг барпо этилиши Эрон подшоси ва турк аёлининг фарзанди Сиёвуш номи билан боғлиқдир. Маълумотларда келтирилишича, Сиёвуш Самарқанд подшоси Афросиёбдан енгилгач, шу ерда – Зарафшон дарёсининг қуйи irmoқларидан бирининг соҳилида тўхтаган ва шаҳарнинг яратилишига асос солган. Сиёвуш Афросиёб томонидан ўлдирилганидан

кейин Бухоронинг Шарқ дарвозаси ёнида кўмилган деган ривоятлар бор. VII асрда Бухоро ҳокими Бидун вайрона ҳолига келган аркни қайта тиклатган. Ўша даврда арк олдида катта майдон – регистон, унинг атрофида савдогар ва зодагонларнинг юзлаб кўрғонлари бўлган. Ҳоким ва унинг қариндошлари кўрғони ёнида асосий шаҳар – шаҳристон жойлашган.

Кўплаб меъморий ёдгорликларни ўзида жамулжам этган кўҳна Арк қалъаси кўп асрлар мобайнида амирликнинг қароргоҳи бўлиб келган. Бу ерда амир, унинг бош вазирлари, ҳарбий бошлиқлар, амирнинг кўп сонли хизматчилари яшаганлар. Арк қалъасида ҳукмдорлар учун сарой, кўринишхона, масжид ва турар-жой бинолари бунёд этилган. Арк қалъаси (13-расм) баланд мустаҳкам пештоқ билан улуғланган. Регистон майдонининг салобати ҳокимиятнинг буюклигини кўрсатган, уни босиб олиш мумкин эмаслик белгисини билдирган. Унинг деворлари теварагида шаҳристон жойлашган. Шаҳристонни савдо-хунармандчилик маскани–работ куршаб турган. Арк қалъасида Рудакий, Фирдавсий, Абу Али ибн Сино, Фаробий, Умар Хайём сингари улуғ инсонлар яшаб ижод қилганлар. Арк тўғрисида Абу Али ибн Сино қуйида келтирилган фикрни билдирган: “Мен бу ердаги кутубхонада шундай китобларни топдимки, уларни аввал кўрмаганман ва умримда бошқа кўрмадим ҳам. Мен уларни ўқидим ва шундан кейин ҳар бир олимнинг ўз фани бўйича ўрнини англадим. Менинг олдимда фанларнинг тубидаги шундай эшиклари очилдики, мен уларни тасаввур ҳам қилолмасдим. Аркдаги китобхонанинг кейинги тақдири сир бўлиб қолган. Кутубхона жанглardan бирида талаб кетилган бўлса ажаб эмас”, деган маълумотлар бор.

3.2. Регистон майдонини график қайта тиклаш бўйича таклифлар

(17-расм)

Арк қалъаси тўғрисида биринчи ёзувлар Абу Бахр Наршахийнинг (899-939-йиллар) “Бухоро тарихи” китобида ҳам учрайди. Бухоро подшоси Бидун бу қалъани қурди, аммо у тезда бузилди, яна янгидан қурди, у яна бузилди. Шундан кейин узокни кўра биладиган доно кишиларни чақиради. Донишмандлар аркни катта айиқ юлдузи шаклида барпо этишни маслаҳат бердилар. Арк қалъаси ана шу шаклда қурилади, кейин эса у бузилмади деган маълумотлар бор.



14-расм. Тоқ



15-расм. Регистон майдони



16-расм. Шўролар зулмидан вайронага айланган Бухоро.



17-расм. Регистон майдони ва мавжуд бинолар тарҳи

16-17-аср ҳолати (эскиз).



18-расм. Абдуллахон тими

Арк қалъаси ер устидаги катта баландлик, у баландлиги 20 м ча бўлган тепалик устига қурилган. Арк ғарбдан шарққа чўзилган нотўғри тўртбурчак шаклига эга. Жануби-шарқ бурчаги биров кесилган. У қадимий ва ҳамиша навқирон Бухоро шаҳрининг ғарб томонида жойлашган. Қалъа деворининг узунлиги 789,6 м., баландлиги 16-20 м., ер майдони 3,96 га ни ташкил этади. Арк қалъаси бир неча марта таъмирланган ва қайта қурилган. Кўтарила боровчи йўл (пандус) орқали аркнинг ғарб томонидан улкан ёғоч дарвоза (XVI аср) орқали ичкарига кирилади. Пандуснинг узунлиги 20 м ни ташкил этади. Унинг икки ёни массивтошли пирамида билан ўралган. Арк қалъаси пештоқининг икки тарафидаги бурчаклардаги минорачалар – “гулдасталар” конструкцияси ва улар оралиғидаги уч қаватли бино яхши сақланган. Арк ичкарисига олиб кирадиган узун долон – йўлакнинг чап деворида 12 та ва ўнг деворида 13 та тахмон-токча жойлашган. Чап томондаги токчаларнинг баъзиларида зиндонга кирадиган эшикчалар бор.

“Гулдаста”лар тагида хавфли жинойтчилар сақланадиган зах ва дим ертўла – канахоналар бўлган. Долоннинг ўнг томонидаги ўрта токчада афсонавий қаҳрамон Сиёвуш арвоҳига Наврўз байрамларида чироқ ёқилган. Амир сайсхонасига (отхонасига) ҳам шу ердаги зинадан кирилган (отхона маҳбуслар жойлашган хоналар устида бўлган). Долондан чиқаверишда тўпчи бошининг маҳкамаси, шу ердаги айвон тагидаги ертўлада эса қийноқхона бўлган. Ундан сал нарида (ғарбий бурчакда) XVIII асрда пешайвонли Жума масжиди қурилган. Масжид деворларини ички томонидаги нақшлар орасига Қуръон оятларидан битилган. Пешайвон шипи мураккаб гиррих нақшлар билан безатилган. Арк қалъасининг шимоли-ғарб бурчагида тўпчи бошининг уйи жойлашган. Масжиднинг шарқ тарафида ошхона, орқа тарафида зарбхона (олтин, кумуш ва чақа тангалар зарб қиладиган хона) жойлашган. Зарбхонанинг шимоли-шарқида заргархона, жанубида девонбегининг маҳкамаси ва қушбегига қарашли бинолар бўлган (баъзи бинолар ҳозир ҳам

бор). Жума масжидидан бошланган тор йўлак қушбеги ҳовлиси орқали чорсуга туташган.

Чорсунинг чап томонида тош ётқизилган катта ҳовли – кўринишхона ўрнашган. У ерда элчилар қабул қилинган ва амирларнинг тахтга ўтириш маросимлари ўтказилган. Ҳовлига кираверишдаги нақшли пештоқ 1605-йилда қурилган. Ҳовлининг уч қуёш тушар томони пешайвон билан ўралган. Олдинги пешайвонда икки қатор нақшли устунлар бўлиб, уларнинг қоши пастдан юқорига йўғонлашиб боровчи муқарнаслар билан безатилган. Нурота мрамаридан қилинган тахт ана шу айвондаги тахтиравон тагида турган.

Ҳовлининг жануб томонида Меҳмонхонаи Раҳимхоний ва қорихона қурилган (XVIII аср). Бу бинолар тагида ертўлалар бўлиб, уларда хазина сақланган. Аркнинг ғарб томонидаги ҳовлида мирзалар ва хизматчилар учун икки қаватли бинолар қурилган. Сал нарида саломхона, ундан Шарқ томонда меҳмонхоналар, мансабдорларга қарашли бошқа бинолар (миён ҳовли) жойлашган. Жануброқда ҳаммом, унинг Шарқ томонида кичкина масжид қурилган, улар ҳозиргача сақланган.

Аркнинг марказида ўрда (амирнинг хотинлари турадиган уйлар), шимолида қушбеги хотинлари турадиган уйлар жойлашган. Ҳаммомнинг шарқида духтархона – амир ҳарамидаги қизлар уйлари ўрнашган. Шимоли-шарқий бурчакда Чил духтарон масжиди ва Баттол ғози мазори бўлган. Аркнинг шарқий девори бўйлаб ғуломбаччалар (соқчилар) хонаси, жануби-шарқий бурчакда дорихона (ўқ-дорилар хоналари) жойлашган. Ҳозирги пайтда бу биноларнинг тахминан 20%и сақланган. Аркнинг ғарбий деворидан бошқа ҳамма деворлари ва уларнинг бурчаклардаги миноралар бузилиб кетган. Арк ансамбли мустақиллик йилларида сўнгги бор реставрация қилинган. Агар Бухоро шахрининг меъморий ёдгорликларини ўрганмоқчи бўлсангиз, ишни Исмоил Сомоний мақбараси (IX-XII асрлар)

билан танишишдан бошлаган маъқул. Ушбу мақбара Бухоро Аркининг ғарб томонида, ундан узоқ бўлмаган ерда жойлашган.

1993-йилда Бухоро шаҳрининг тарихий маркази (1-сессия, Колумбия) “Бутунжаҳон маданий мерослари рўйхати”га киритилган.

БЎЛИМ БЎЙИЧА ХУЛОСА

Бугунги кунда ота-боболаримиздан бизгача етиб келган осори-атиқаларни кўз қорачиғидай асраб, уларни кейинги авлодларга етказиш учун кўлимиздан келганича асраш ва сақлаш бизнинг асосий мақсадимиздир. Уларни сақлаш билан биргаликда мустақилликдан кейин қайта таъмирланаётган аجدодларимиздан меърос бўлиб келаётган кадамжоларни асраш тамойилига амал қилишимиз лозим. Чунки ўрта асрларда бунёд этилган кадимий бинолар аниқ геометрик шакллар мутаносибликларига риоя қилинган ҳолда бунёд этилган.



КОНСТРУКЦИЯ БЎЛИМИ

Консультант: _____

Раҳбар: _____

Битирувчи: _____

БУХОРО РЕГИСТОНИ ТАРКИБИДАГИ БИНОЛАР ВА ТАШҚИ ДЕВОРЛАР КОНСТРУКЦИЯСИ

Архитектура ёдгорликлари конструкцияларининг асосий хусусиятлари ва зилзилабардошлиги.

Қадимда ҳали темир-бетон элементлари кашф қилинмаган бир вақтда ҳам бобокалонларимизнинг қурган бинолари, обидалари ўзига хос тарзда мустаҳкамликка эга бўлган. Асрлар оша бизнинг давримизгача етиб келган архитектура ёдгорликлари қадимги бинокор ва меъморларнинг юксак ақл-заковати, билимдонлигидан далолат беради. Шу ўринда биз Амур Темур соҳибқироннинг қуйидаги сўзларини келтириб ўтишимиз жоиз, яъни “Агар бизнинг куч қудратимизга шубҳангиз бўлса, биз қурган иморатларга боқинг”.

Қадимда яшаб ижод этган бинокор усталар фақатгина бой тажрибага асосланиб қолмай, меъморчиликнинг ўша даврида мавжуд бўлган назарий ғояларга ҳам суяниб иш тутганлар. Қадимий меъморий обидалар бунёд этилишидан илгари уларнинг лойиҳаси чизилган ва лойиҳа қурадиган уста муҳокамасидан ўтган.

Доим хавф солиб келган зилзила даҳшати Ўрта Осиё меъморлари диққат эътиборидан четда қолмаган, албатта. Шу кунгача сақланиб қолинган тарихий обидаларимиз бунга яққол мисолдир. Ҳақиқатдан ҳам қадимги меъморларимиз зилзила кучларининг, атроф-муҳитнинг иншоотларга таъсир этиш қонуниятларини яхши ўзлаштирганлар. Ўша вақтларда бино қуришда қўлланилган ғиштларнинг ўлчамлари ҳам иншоотдаги кучланишларнинг кесим бўйича текис тарқалишини таъминлаган, чунки ғиштлар мурабба (квадрат) шаклда бўлган.

Меъморларимиз эластик қурилиш материаллари ва конструкциялари иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигининг таъминловчи энг яхши чора деб ҳисоблаганлар. Бу эса албатта ўз навбатида қурилиш қоришмаси сифатида ганч ва лойдан фойдаланишга, пойдеворларнинг махсус конструкцияларини

ишлаб чиқишга ҳамда деворларнинг цокол қисмида қамиш тасмалар қўлланишга олиб келган.

Пишиқ ғишт теришда асосан соз тупроқдан тайёрланган лой ҳамда ганч қоришмаси қўлланилган. Ганч тез қотувчан бўлганлиги учун қурилишни ўзида оз–оздан тайёрланган. Ғишт теришда ганч ҳеч қачон соф ҳолда ишлатилмаган. Унга албатта соз тупроқ ёки қум қўшиб ишлатилган. Ғишт теришда йирик донали ганчдан фойдаланилган. Йирик донали ганч секин қотган. Бу эса албатта, мустаҳкамликнинг ортишига олиб келган. Қадимги усталар фикрича ганч ўзининг тўлиқ мустаҳкамлигига бир йил мобайнида эришар экан.

Қадимги меъморлар эластик ва қайишқоқ қоришмалар ғишт конструкцияларни зилзила таъсирида асровчи энг яхши чора деб билиб, девор чокларида унинг қалинлигини каттароқ олишга ҳаракат қилишган. Одатда, бинонинг пастки қисмида қоришма қалинроқ, тахминан 5 см атрофида олинган, девор кўтарилган сари, қоришма қалинлиги ҳам камайиб борган. Шунинг учун ҳам Марказий Осиёнинг монументал биноларида ганч қоришмасининг ҳажми умумий деворлар ҳажмининг деярли 30% ни ташкил этган.

X-XVII асрларда бунёд этилган монументал ғиштин биноларнинг деярли ҳаммасида пойдевор остида маълум қалинликда соф лой қатлами - ёстик тўшалган.

Қадимий биноларда икки хил пойдевор қўлланилган:

- 1) Эни цоколь энига тенг ва ўзгармас бўлган пойдеворлар;
- 2) Эни пастга томон кенгайиб борадиган пойдеворлар.

Бинодан тушадиган оғирлик ва содир бўладиган кучлар ва таъсирлар ўзига қабул қиладиган бинонинг ер остидаги қисмига *пойдевор* деб аталади:

Пойдеворлар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- Мустаҳкамлик;

- Устиворлик;
- Узоқ муддатга чидамлилик;
- Совуққа чидамлилик;
- Индустириал талаблар;
- Иқтисодий талаблар;

Пойдеворнинг конструкцияси ва унга ишлатиладиган материаллар пойдевор қандай чуқурликда ишлаб чиқарилиши; пойдеворга тушадиган кучларнинг миқдори ва характери; бинонинг турига; конструктив хусусиятларига; ёндош биноларнинг пойдеворларига; ер ости инженер коммуникацияларининг жойлашишига; қурилиш майдончасининг табиий шароитларига; грунтнинг музлаш қалинлиги; сизот сувларининг бор-йўқлигига ва бошқа шароитларга боғлиқдир.

Пойдеворларнинг туби ёйсимон, қабарик шаклда ишланган. Қабариклик пойдеворнинг лойдан тайёрланган ёстиққа осонроқ жойлашувига имкон бериб, иншоотнинг бир текис чўкишини таъминлаган.

Пойдевор баландлиги ер сиртига етганда, пойдевор билан цокол орасига кучсиз лой қоришмасида ёки тоза тупроқнинг ўзида бинонинг бутун периметри бўйлаб, бир қатор ғишт терилган. Шунингдек, зилзила кучини сўндириш мақсадида биноларнинг цокол қисмига қамиш қатлами ҳам ётқизилган. Бунда цоколнинг ер сиртига чиққан қаторига аввал текис қилиб қоришма ёйилган. Қоришманинг устига 8-10 см қалинликда, девор сиртига тик йўналишда қамиш бостирилган. Қамиш қатлами устига яна қоришма ёйиб, унинг устига кейин ғишт терилган. Қамиш ер сиртидан юқорида жойлашганлиги учун, унга ҳамма вақт ҳаво тегиб турган ва чиримаган. Цоколда жойлашган қамиш қатлами амортизатор вазифасини бажарган.

Сейсмик тўлқинлар горизонтал ташкил этувчиларнинг шиддаткор таъсиридан биноларни яна ўша қамиш қатлами ҳамда цокол ва пойдевор орасига ётқизилган қумоқ тупроқ ёки ўта кучсиз лой ётқизиғи асрайди. Тупроқ ётқизиғи пойдеворни бинонинг остидан силжитишга йўл қўяди. Бу

силжиш эса бино деворларига зарар етказмаган ҳолда сейсмик кучларнинг кувватини қирқади.

Қадимги бинокорлар бино қурилишида иқлим шароитини ҳам тўлиқ ҳисобга олганлар.

БЎЛИМ БЎЙИЧА ХУЛОСА.

Бино тарҳини ишлашда миқёсий ўлчов (модул) ва модул тизимидан фойдаланиш, симметрияга асосланиш, бино шакллари томонларини квадрат ва "олтин кесим" нисбатларида чиқариш, уларда мутаносиб пропорцияларни қўллаш, меъморий безакларда гириҳ ва ислимий, мураккаб нақшлардан фойдаланиш, уларни узоқдан ва яқиндан кўринадиган нақшларга бўлиб ишлаш қоидаларига амал қилиш энг оддий тартиблар қаторига кирган.

Ўрта асрлар Ўрта Осиё меъморчилигида узунлик бирлиги сифатида асосан "газ" (меъмор қўлининг муштидан елкасигача бўлган узунлиги) қабул қилинган. Модул сифатида эса "газ", яримгаз, қурилишда қўлланилаётган асосий ғиштнинг узунлиги, бино ташқи деворининг эни, пештоқ равоғи энининг ярми кабилар қабул қилинган. Модул ҳар бир бино учун алоҳида ўзгармас катталиқ вазифасини бажарган. Бино учун қабул қилинган узунлик бирлиги ва модул орасида қарралади, яъни мутаносиб бўғланиш мавжуд бўлган. Шунинг учун ҳам архитектурада қўлланиладиган барча мутаносибликларни бир-бирига бўғловчи ва бирлаштирувчи асосий нарсалар бу меъморий лойиҳани ишлаш муаммосини ечишга ва уни қурилиш майдонида амалга оширишга ёрдам берувчи модул тизимидир. Модул тизими "бино ёки иншоотга зарур бўлган мутаносибликни белгиловчи, лойиҳаланаётган объектнинг ўлчамларини аниқловчи, узунлик ўлчовини бино модули билан бўғловчи, бино масштабини белгиловчи, пропорцияларнинг геометрик ва математик ифодаларини оддий сонли нисбатларга айлантирувчи тизимдир".

Ўрта Осиёнинг ўрта аср меъморлари қўллаган меъморий лойиҳалаш

услугбининг асл моҳияти шундаки, унда бир йўла уч хил мутаносиблик доимо бирга ёнма-ён бўлган. Булар ҳандасавий, арифметик ва миқёсий (модулли) мутаносибликлардир. Агар ҳандасавий мутаносибликлар ҳажмлар, вазнлар, бўлинишларни аниқласа, арифметик мутаносиблик ҳандасавий шаклларни қурилиш амалиётига ўтказиш ҳисобларини, яъни қурилиш материалларининг ҳажмини ва сонини аниқлашга хизмат қилган, миқёсий, яъни модулли мутаносиблик эса ҳандасавий муносабатларни ишчи чизмаларда (бино тарҳи ва ҳажм-фазовий ечимларида) амалга оширишда бинонинг миқёсий яхлит ўлчам бирлиги вазифасини бажарган. Бунда меъмор, одатда, миқёс туридан фойдаланган. Миқёс тўри эса ўлчов бирлигининг эталонига муҳтож эмас, шу боисдан Ўрта Осиё меъморларида бундай эталонга зарурат сезилмаган. Миқёс тарзида "газ" олинганми ёки ўлчов бирлиги вазифасини оддий ғишт бажарганми бунинг аҳамияти бўлмаган. Зеро "газ" ҳар қандай шароитда ҳам ўз таркибига бутун сонли ғиштларни киритиш лозим бўлган, йўқса у миқёс ролини бажара олмаган. Модул тўри ушбу бино учун қўлланилаётган ғишт ўлчамига арифметик мутаносибликда, яъни каррали муносабатда бўлган.

Марказий Осиё ёдгорликларининг йўқолган шакллари қайта тиклаш масаласига ҳандасавий такрорланувчи ва ўзига хос қуриш қоидаларига эга бўлган меъморий нақш-безаклар ҳам яқиндан ёрдам беради. Бунинг учун таъмирланаётган ва шакллари қайта тикланаётган тарихий обиданинг бошланғич модул тўри ва геометрик ишланиш тизими аниқланса бас, бинонинг барча йўқолган қисмлари ушбу тикланган модул ва геометрик тизимга мос равишда ўз ўрни ва шаклига эга бўлади.



ИҚТИСОДИЁТ БЎЛИМИ

Консультант: _____

Раҳбар: _____

Битирувчи: _____

ҚУРИЛИШ ОБЪЕКТИ БАҲОСИНИ ЖОРИЙ НАРХЛАРДА АНИҚЛАШ

Loyihaning dastlabki bosqichlarini (DTIA,DTIH,TIA,ТИН) amalga oshirish jarayonida qurilish ob'ektining joriy narxlardagi bahosini aniqlash uchun amalga oshirilgan o'xshash loyihalarning narxlari to'g'risidagi ma'lumotlardan foydalanish tavsiya etiladi.

Hajmiy rejalashtirish va konstruktiv yechimlarga bog'liq ravishda o'xshash ob'ektlarni tanlashda quvvat birligi uchun sarflangan kapital mablag'larning solishtirma miqdorini hisobga olish zarur.

O'xshash ob'ekt bo'yicha ma'lumot bo'lmagan hollarda,loyiha va qurilish tashkilotlarining arxivlari yoki buyurtmachilarning ma'lumotlar ba'zasidan olingan va avvalroq loyihalashtirilgan va qurilgan ob'ektlar bo'yicha ko'rsatkichlarga asoslangan holda o'xshash loyiha tanlanishi mumkin.

Qurilish ob'ektining joriy narxlardagi bahosini dastlabki bosqichlarda buyurtmachi (investor) ning o'zi mustaqil yoki tanlov asosida tanlab olgan loyiha tashkiloti aniqlashi mumkin.

Loyiha tashkiloti tomonidan ob'ekt qurilishining hisoblab berilgan narxi tavsiya tariqasida beriladi.

Loyihani dastlabki bosqichda amalga oshirishda tavsiya qilingan narxdan foydalanish to'g'risidagi qarorni buyurtmachi qabul qiladi.

Taqqoslash va tahlil natijalari asosida ishlarning turi bo'yicha qurilish narxining tuzilmasiga tuzatishlar kiritiladi va ob'ektning joriy narxlardagi bahosi aniqlanadi.

Bunda binoning turi va vazifasiga bog'liq ravishda qo'llaniladigan elementlarning soni o'zgarishi mumkin.

Ushbu metodning tatbiq qilinishi binoning ayrim elementlari narxi to'g'risidagi ma'lumotlarni muntazam kuzatib borishni va ularning bankini yaratishni talab qiladi.

Buturtmachi tomonidan qurilishning boshlang'ich bahosini joriy narxlarda aniqlanishi.

Ob'ektning joriy narxlardagi boshlang'ich bahosi amaldagi nima muvofiq buyurtmachilar yoki ularning topshirig'iga ko'ra loyiha yoki ixtisoslashgan tashkilot tomonidan prognoz joriy narxlar va resurslar tariflari uchun xarajatlar kal'kulyatsiyasiga asoslangan resurs metodi yordamida hisoblanadi.

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 14.04.2004 y. 02-7-11-sonli bayonnomasining qaroriga ko'ra markazlashtirilgan manbalar hisobiga moliyalashtirilayotgan ob'ektning dastlabki bahosi O'zbekiston Respublikasi Davarxitektqurilish qo'mitasi qoshidagi Davlat ekspertiza organlarida albatta ekspertizadan o'tkazilishi kerak.

Resurs metodida quyidagi xarajatlar aniqlanadi:

- quruvchi ishchilar mehnatining xarajatlari,
- qurilish mashinalari va mexanizmlarini ekspluatatsiyasi bo'yicha xarajatlar, (mashinistlarning maoshi hisobga olinadi),
- transport va tayyorlash ombor xarajatlari bilan qo'shib hisoblangan material, konstruksiya va mahsulot sotib olish bo'yicha xarajatlar,
- transport va tayyorlash ombor xarajatlari bilan qo'shib hisoblangan uskuna, mebel, inventar sotib olish bo'yicha xarajatlar.

Qurilish ob'ektining joriy narxlar bo'yicha boshlang'ich bosqichdagi dastlabki bahosini aniqlash buyurtmachi tomonidan mustaqil ravishda yoki uning buyurtmasiga ko'ra quyidagi tashkilotlar tomonidan bajarilishi mumkin.

- loyiha instituti,
- ixtisoslashgan injiring yoki konsalting kompaniyalari, O'zbekiston Respublikasi Davarxitektqurilish qo'mitasining Kapital qurilishda iqtisodiy islohotlar va narxlarni shakllantirish markazi.

ixtisoslashgan injiring yoki konsalting kompaniyalari, O'zbekiston Respublikasi Davarxitektqurilish qo'mitasining Kapital qurilishda iqtisodiy islohotlar va narxlarni shakllantirish markazi tomonidan aniqlangan qurilish

ob'ektni joriy narxlar bo'yicha boshlang'ich bosqichdagi dastlabki bahosi tavsiya tariqasida beriladi.

Tanlov savdolarini o'tkazish uchun tavsiya etilgan dastlabki baholarni buyurtmachi qabul qiladi.

Joriy narxlar bo'yicha ob'ektni dastlabki bahosi "resurs metodi" qo'llanilganida, quyidagi formula yordamida aniqlanadi:

$$C = (C_o + C_m + C_{3\pi} + C_{\text{э}m} + C_{\pi} + \Pi_{\pi} + C_p) \times K_p,$$

-bu yerda

C_o - to'liq topshiriladigan (под ключ) qurilishda uskuna, mebel va invertarga sarflangan xarajatlar.

C_m - qurilish materiallari, mahsulotlari va konstruksiyalarga sarflangan xarajatlar.

Ijtimoiy sug'urtaga ajratiladigan to'lovlarni hisobga oluvchi koeffitsiyentga ko'paytirish yo'li bilan quyidagi formula yordamida aniqlanadi.

$$C_{3\pi} = T \times C_{\text{ч}} \times K_{\text{cc}}$$

-bu yerda

T - ob'ekt qurilishining normativ mehnat sarfi, resurs smetasi bo'yicha aniqlanadi, kishi-soat,

$C_{\text{ч}}$ - ishchilarning bir soat uchun o'rtacha ish haqi, ob'ektni dastlabki bahosini aniqlashda, mintaqa bo'yicha quruvchilarning o'rtacha oylik ish haqining miqdori asosida hisoblanadi,

K_{cc} - ijtimoiy sug'urtaga ajratiladigan to'lovlar miqdorini hisobga oluvchi koeffitsiyent.

Bir soat uchun o'rtacha ish haqi quyidagi formula bo'yicha hisoblanadi:

$$C_{\text{ч}} = 3M_{\text{с}} : \Phi$$

-bu yerda

$3M_{\text{с}}$ - avvalgi 12 oy uchun statistika ma'lumotlari asosida aniqlangan quruvchilarning mintaqa bo'yicha o'rtacha oylik ish haqi, so'm/oy.

Ф- О'zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirligining ma'lumotlari bo'yicha ishchi vaqtining soatda berilgan o'rtacha oylik fondi.

“БУХОРО ШАҲРИ РЕГИСТОН МАЙДОНИНИНГ ГРАФИК РЕКОНСТРУКЦИЯ ТАКЛИФИ” мавзусидаги битирув малакавий иш тарихий ва назарий қийматга эга бўлганлиги учун қурилиш объекти баҳосини аниқлаш назарда тутилмаган.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Бухоро шаҳарсозлиги ўзининг маълум бир қонуниятларга асосланганлиги, бетакрорлиги билан ажралиб туради. Шаҳарлар тузилишини мудофаа деворлари, дарвозалар, архитектуравий мажмуалар, майдонлар, маҳаллалар, кўчалар, мавзелар, турар-уйлар, маъмурий-маиший иншоотлар, суғориш тизимлари, боғлар ва турли йўналишдаги кўчалар белгилаб берган. Зеро Таниқли олима Г.А.Пугаченкова темурийлар шаҳарларига қуйидагича таъриф беради: *“арк-қалъалар – бу давлатнинг куч-қудрати, саройлар – хоқимиятнинг шукуҳи ва савлати, ислом маданий бинолари – мусулмонлар мафкурасининг ғалабаси, бозор қурилмалари – ҳунармандчилик ва савдо-сотиқнинг ривожси, зич қурилган уй-жой ва даҳалар – мураккаб шаҳарлар организмнинг танаси ва қонидир”*.

Ушбу диплом лойиҳа амалиётида Бухоро шаҳрининг 16-17-асрлардаги Регистон майдони ва атрофидаги биноларни қайта тиклаш қуйидаги мақсадларни ўз манфаатида кўзлайди. Биринчи навбатда, мозийдан садо бергувчи ушбу тарихий биноларни янги авлодга етказиб бериш бўлса, ўз-ўзидан кейинги масала ҳам ечимини топади, яъни туризмнинг ривожланиши ва сайёҳлар оқимининг жадаллашишига олиб келади.

Айрим терминлар луғати

Ганч — қоришма, безакда, ёдгорликларда ғишт териш, кошин тахталарини бириктиришда қўлланиладиган қурилиш материали.

Кошин — безак, нақш тури, бир томони сирланган, ёдгорликларда ишлатилади, тўртбурчак шаклида, ҳар хил сирли, бўялган нақшин сопол парчалари.

Таъмир – ёдгорликларнинг емирилган жойларини қайтадан тиклаш, реставрация.

Равоқ – тахмон, токча, айвон ва бинонинг шунга ўхшаш қисмларини бириктиришда ёғочсиз давра шаклида ишланган учбурчак конструкция ва безак элементи.

Гумбаз — биноларнинг ёғочсиз, учбурчакли давра шаклида ёпилган томи.

Линга (Кружало) — ёғоч ва гумбазларнинг андазаси.

Пештоқ — равоқ олд томонининг юқори қисми.

Парус — гумбазнинг остки қисмидаги бурчакларнинг иккига айрилган равоқларидан алоҳида ажралиб чиққан ўткир тўртбурчакли конструктив элементи.

Тўғри тахбин - кошин тахтасини тайёрлашда фойдаланиладиган, тўртбурчак шаклидаги текисликнинг устки қисми.

Эгри тахбин — давра шаклида тайёрланадиган кошин тахтасининг қолипи.

Тахбинда чизик ишлари — кошинлар ўлчамини тўғри тўртбурчак шаклида жойлаштириш.

Порсу — меъморий безак, 45—90 даражали ёки 135 даражали ва шунга ўхшаш ўтмас, ўткир бурчаклардан ишланади.

Бахш — кошинкорликда маълум ўлчамли, квадрат шаклли, бир квадрат ҳажмдаги ўлчам бир бахш, сат бирлиги, икки квадрат—акки бахш, уч квадрат — уч бахш ва ҳоказо.

Кошин паспорти - кошин тайёрлаш учун олинган, тупроқдан бошлаб кошин тайёрлангунча махсус лабораторияларда ўтказилган текширишларга берилган рецептлар.

Ишчи чизма — кошинкорликда тахбинда кошин теришда қўлланиладиган чизма.

Дандона — безак тури. Асосан кошинкорликда қўлланилади. Бинонинг тўрт томонидан, тўртбурчак шаклида бир томонлама тўғри ва 60, 90, 135 даражали учбурчакли ҳар хил ўлчамда тайёрланган бурчакли ғиштлар.

Гулдаста — бинонинг ташқи бурчакларида цилиндр шаклида ишланган қисми.

Кошинбуруш — кошин кесиш, махсус қумсимон тошлардан тайёрланган кошин тахтаси.

Андазабуруш — Кошинбурушни кесиш учун ишлатиладиган нақш чизиқли қоғоз,

Карниз — биноларнинг юқори қисмида ғишт, ёғоч, ганч, цемент ва бошқа қурилиш материалларидан ишланган безак.

Йўрма карниз — бинонинг юқори қисмида бир-бирига аралаштириб ишланадиган безак.

Бофта карниз — иккн ғиштнинг ҳар хил бурчакда, бир-бирига тўқиб ишланган карниз тури.

Сеғунча карниз — ғишт учбурчак шаклида кесилиб, учга тақсимланиб, ҳар бўлагининг маркази бўрттирилиб, тўрт томонга тарашланиб пайдо қилинган элементлардан ишланган карниз.

Чорғунча карниз — хоҳлаган ҳажмда, квадрат ғиштнинг марказини бўрттириб тўрт томонга тарашланган ғишт бўлақларидан ишланган карниз.

Равоқи карниз — учбурчак, ёйсимон ишланган карниз тури.

Муқаррари — икки пахнинг ёйсимон равоқ шаклда туташган қисмида ўрнатилган ҳар хил тузилишдаги безак.

Дандона карниз — карнизнинг биноларда ғишт бурчаги чиқариб ишланадиган тури.

Лўла-пах — ғишт қалинлигининг четидан учбурчак ёки ёйсимон шаклда тарашланган ҳолат.

Нава-пах — ғишт қалинлигининг четидан ички томонга қараб, ёйсимон шаклда тарашланган ҳолат.

Китоба — меъморликнинг мураккаб ишларида учрайдиган тўғри тўртбурчак.

Дила — мрамор ёки ғишт ишларида ўртасида бўрттириб ишланган тўртбурчак юза.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. -Т.: 1998.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: 2008.
3. Ожегов С.С., Ўролов А.С., Раҳимов К.Ж. Ландшафт архитектураси ва дизайни. Ўқув қўлланма. – Самарқанд: 2003.
4. Алимов Ў. Ўрта асрларда Мовароуннаҳрда боғчилик хўжалиги тарихи. – Т.: 1984.
5. Нозилов Д. Чорбоғ. – Т.: 1997.
6. Адилова Л.А. Ландшафт архитектураси. ТАҚИ. – Т.: 2002.
7. Горохов В.А., Лунц Л.Б. Парки мира. –М.: 1985.
8. Пугаченкова Г.А. Зодчество Центральной Азии XV век. Ведущие тенденции и черты. -Т.: 1976.
9. Аҳмедов М. Ўрта Осиё меъморлиги тарихи. -Т.: 1995.
10. Пугаченкова Г.А. Архитектура эпохи Улугбека. -Т.: 2010.
11. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. -Т.: 1989.
12. Зоҳидов П.Ш. Зеб ичра зийнат. -Т.: 1985.
13. Раҳимов К.Д., Айматов А.А. Хива шаҳри ва унинг боғ саройлари (ўтмишда ва истикболда). Илмий мақола. СамДАҚИ: 2013.
14. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т.1-12. -Т.: 2000-2006.
15. Асқаров Б.А., Низомов Ш.Р. Темир-бетон, тош ва ғишт конструкциялари. -Т.: 2003.
16. Асқаров Б.А. Қурилиш конструкциялари. -Т.: 1995.
17. Туполева М.С. Конструкции гражданских зданий. -М.: 1973.
18. ҚМҚ. 2.01.07-96. Юклар ва таъсирлар.
19. ҚМҚ 2.01.03.10-95. Томлар ва том қопламалари. -Т.: 1995.
20. ҚМҚ 2.01.03-96. Зилзилавий ҳудудларда қурилиш. -Т.: 1996.
21. Интернет сайтлари.

ИЛОВАЛАР

2-14.14 гуруҳ талабаси Ҳодиров Ҳожинакбар Абдуллаевич
(Ф.И.Ш.)

томонидан “Архитектура тарихи ва назарияси” кафедрасида бажарилган

“ Бухоро шаҳри Регистон майдонининг
график тайма тиклаш тақлиди. ”

мавзусидаги
малакавий битирув иши (диплом лойиҳасига)

ИЧКИ ТАҚРИЗ

Рецензияга тақдим этилаётган лойиҳа 4 планшетдан ва
50. бетдан ташкил топган тушунтириш хатидан иборат. (Қўл ёзма.
Электрон нусха)

Кўрилаётган лойиҳанинг қисқача тавсифи:

1. Бош режа Бухоро шаҳри Регистон майдонининг
бош тарҳи М 1:1000 ва М 1:2000 масштабларда олинган.
2. Лойиҳа ечими Регистон майдонининг лойиҳаси
XVI - XVII - асрларга тегишли.
3. График ёндашиш График тиклашнинг 2. Ренкелъ тарҳи
ва Муҳаммад Алининг “Бухоро тарихи” асаридан фойда.
4. Тушунтириш хати Тушунтириш хати 50 бетдак
иборат бўлиб, Архитектура, поеструкция ва Умумий бун.
5. Диплом лойиҳаси бўйича камчиликлар Тушунтириш хатида
айқил. музвий камчиликлар кўзга ташланади.
6. Лойиҳанинг баҳоси 89 ба. 11.

№	Баҳолаш мезони	Норматив рейтинг баҳолаш %да	Баҳо
1.	Долзарблиги	10	8
2.	Лойиҳа ечими	45	40
3.	График ифодалаш	25	22
4.	Тушунтириш хати	20	19
5.	Якуний баҳо	100%	89



Рецензент:

И.С.Резимбаев
(рецензентнинг Ф.И.Ш. лавозими)

Резимбаев
(имзо)

«24» декабрь 2018 йил

2-14 Аў гуруҳ талабаси Ҳодиров Ҳотмакбар Абдуллаевич
(Ф.И.Ш.)

томонидан “Архитектура тарихи ва назарияси” кафедрасида бажарилган

“ Бухоро шаҳри Регистон майдонининг
график ҳайта тиклаш тармими. ”

мавзусидаги

малакавий битирув иши (диплом лойиҳасига)

ТАШҚИ ТАҚРИЗ

Рецензияга тақдим этилаётган лойиҳа 4 планшетдан ва 50 бетдан ташкил топган тушунтириш хатидан иборат. (Кўл ёзма. Электрон нусха)

Кўрилаётган лойиҳанинг қисқача тавсифи:

1. Бош режа Бухоро шаҳри Регистон майдонининг бош тарҳи М 1:1000, М 1:2000 масштабларда олинган.
2. Лойиҳа ечими Регистон майдонининг лойиҳаси XVI - XVII - асрларга тегишли.
3. График ёндашиш График тиклашнинг И.Регинелб тарҳи ва Муҳаммад Алининг “Бухоро тарихи” асаридан фой.
4. Тушунтириш хати Тушунтириш хати 50 бетдан иборат бўлиб, Архитектура, Конструкция ва Иқтисод бўлимлардан.
5. Диплом лойиҳаси бўйича камчиликлар Тушунтириш хатида айрим ҳузвий камчиликлар кўзга ташланади.
6. Лойиҳанинг баҳоси Лойиҳа баҳоси 87% кўрсаткигда баҳоланди.

№	Баҳолаш мезони	Норматив рейтинг баҳолаш %да	Баҳо
1.	Долзарблиги	10	9
2.	Лойиҳа ечими	45	43
3.	График ифодалаш	25	20
4.	Тушунтириш хати	20	15
5.	Якуний баҳо	100%	87%

Рецензент:

А.Р. Ҳасанов, ЎРГА Сатҳи (рецензентнинг Ф.И.Ш. ишлайдиган ташкилот номи, таъбири) (имзо)

Институт илмий ҳафаси,
Архитектура бўлимида графика фактори (Р.И.)

«21» декабрь 2018 йил

